



Бутун дунё Тахфизул Куръон уюшмаси Тоҷикистондаги Имом Абу Ханифа номидаги ислом университети билан ҳамкорликда Куръон мусобакаси ўтказди. Тадбирда 115 кори иштирок этди. Мусобака беш йўналишда бўлди: 1.Куръонни тўлик ёдлаш ва тафсирини ҳам билиш; 2. Куръонни «Арбаъин набавия» (Кирк хадис) билан тўлик ёдлаш; 3. Куръонни тўлик ёддан ўқиш ва «Жазарий» матнини ёд билиш 4.Куръондан йигирма порани ёддан ўқиш; 5. Куръонни ёдлаш махорати. Мусобака иштирокчиларини Куръон илмлари факультети бошлиги Шайх Алий Иброхим Мансур бошчилигидаги ҳакамлар баҳолаб боришди. Мусобакада муфтий Мукаррам Абдулқодиров, «Имом Абу Ханифа» Университети мудирини Тоҷиддин Исом, Тоҷикистондаги Саудия Арабистони элчихонаси вакили Устоз Матъаб Абдуррахмон Махлафий, Бутун дунё Тахфизул Куръон уюшмаси вакили Доктор Алий Иброхим Мансур ҳамда бошқа бир қатор нуфузли меҳмонлар ва маҳаллий аҳолининг кўпгина Куръонга мухлис вакиллари катнашдилар. Мусобака Куръони Карим тиловати билан бошланди. Кейин меҳмонлар сўзга чиқиб, мусобака ташкилотчиларига ва кориларга дил сўзларини ва ташаккурларини изҳор этдилар. Тадбир сўнгида голиблар тақдирланди.

Манба: <http://www.hqmi.org>